



## Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг кўп қиладиган дуолари: «Аллоҳумма роббанаа аатина фиддуња ҳасанаҳ ва фил аахироти ҳасанаҳ ва қинаа азабаннаар», - эди

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг кўп қиладиган дуолари: «Аллоҳумма роббанаа аатина фиддуња ҳасанаҳ ва фил аахироти ҳасанаҳ ва қинаа азабаннаар», - эди.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзида кўп маъноларни жамлаган дуолар билан кўп дуо қилар эдилар. Улардан: «Аллоҳумма роббанаа аатина фиддуња ҳасанаҳ ва фил аахироти ҳасанаҳ ва қинаа азабаннаар» дуоси. Бу дуо кенг ва ҳалол ризқ, солиҳа аёл, кўз қувонадиган фарзанд, роҳат, фойдали илм, солиҳ амал ва шу каби мубоҳ дунё яхшиликларини ўз ичига олади. Охират яхшиликдаридан эса қабр, мавқиф ва дўзах азобларидан саломат бўлиш, шу билан бирга, Аллоҳ розилигига етиш, абадий неъмат, меҳрибон Рабб таолога яқин бўлиш кабиларни ўз ичига олади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5502>

